



“Qandli diabet asoratlarini davolashda kompleks
yondashuv”

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

«Комплексный подход к лечению осложнений
сахарного диабета» Международная научно-
практическая конференция

"An integrated approach to the treatment of
complications of diabetes" International
scientific and practical conference



Tashkent
May 19, 2023

Tashkent medical academy//Material of International scientific and practical conference "An integrated approach to the treatment of complications of diabetes". May 19, 2023. Collection of the conference materials // LLC "TIBBIYOT NASHRIYOTI MATBAA UYI" - 2023 - 66 pages

EDITORIAL BOARD

Editor in chief

Prof. U.Y. Ergashev

Deputy Chief Editor associate

ass. prof. A.T.Mominov

Responsible secretary associate

ass. R.R.Minavarkhujayev

EDITORIAL TEAM

ass. prof. G.I. Mustafakulov

ass. D.R. Yakubov

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. У.Ю Эргашев

Заместитель главного редактора

доц А.Т.Моминов

Ответственный секретарь

асс. Р.Р.Минавархужаев

**ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ
КОЛЛЕГИИ**

доц Г.И. Мустафакулов

асс. Д.Р.Якубов

© TASHKENT MEDICAL ACADEMY 2023

© "TIBBIYOT NASHRIYOTI MATBAA UYT" LLC. 2023

o'zgarishlarning barqarorlashishi qayd etilgan, faqat ba'zi gepatotsitlarda mayda tomchi vakuolyar distrofiya saqlanib qoladi. Shu bilan birga, jigar hujayralarining yadro tuzilmalari biroz kattalashgan va giperxromli

Xulosa. Jigarni an'anaviy davolashdan so'ng dinamikada morfologik o'rganish organning funktsional qobiliyatlarini qisman tiklashni ko'rsatdi. Eksperimental guruhda tajribani davom ettirishga qaror qildik.

ИННОВАЦИОН ТАРЗДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Охунов А.О., Худайберганова Н.Ш.

**Тошкент Тиббиёт академияси, “1-сон умумий ва болалар кафедраси”
Ўзбекистон., Тошкент, 2023-й.**

Масофавий таълим – ўқув жараёнининг мақсади, мазмuni, услублари, ўқитиши воситалари ва интернет технологиялари ёрдамида тингловчи ҳамда ўқитувчиларнинг масофадан туриб, интерфаол мулоқот қилиш жараёни ҳисобланади. Бу ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги онлайн дарс жараёнидир. Бундай дарслар учун аввало коммуникация, масофавий таълим услубий материаллари, электрон ва одатдаги дарсликлар, аудио ва видео дарсликлар, онлайн дарслар (интернет саҳифа) электрон кутубхоналар, тестлар, мультимедиа электрон дарсликлар ва албатта, интернетга уланган компьютер керак бўлади

Масофавий таълимнинг афзаллиги шундаки, унда ҳар ким ўзига қулай вақтда, қулай жойда, қулай муҳитда билим олиши мумкин. Шу туфайли ушбу тизим бугунги кунда дунёда кенг оммалашмоқда.

Хорижий мамлакатларда масофадан ўқитиши борасида бой тажриба тўпланган. 1969-йилда Англия премьер-министри Г.Вильсон ташаббусига кўра масофавий таълим технологияси шакллантирилган бўлиб, аммо

масофадан ўқитиши анча олдинрок, яни, биринчи барқарор, мунтазам почта алоқасининг шаклланиш даврида юзага келган.

Масофавий таълим АҚШда ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталаридан, Европада эса 70-йилларнинг бошларида жадал ривожлана бошланди. Ўқитишнинг бу шакли таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг бир-бирлари ҳамда ўқитиши воситалари билан ўзаро таъсирининг мақсадга йўналтирилган интерфаол жараёнидан иборат бўлиб, бунда таълим жараёни уларнинг географик фазовий жойлашишига боғлиқ бўлмайди. Таълим жараёни кичик тизимлардан иборат, яни ўқитиши мақсади, мазмуни, методлари, воситалари, ташкилий шакллари, назорат, ўқув-моддий, молиявий-иктисодий, меъёрий-хуқуқий ва маркетинг каби элементларни қамраб олган ўзига хос педагогик тизимда кечади.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2020 йил 27 марта қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида”ги буйруғига кўра республикамиздаги мавжуд ОТМлар масофавий ўқитиши технологияларини яратиш ва ишга тушириш юзасидан ишларни бошлаган.

Бугунги кунда пандемия сабабли киритилган карантин чоралари туфайли, дунё ҳамжамияти хаёт фаолиятининг барча соҳаларида кўп қиррали ўзгаришлар бўлиб ўтмокда, бу эса ўз навбатида бўлажак шифокорларни шакллантиришида янгича ёндашувни талаб этади. Бутун дунёда бўлгани сингари юртимизда ҳам таълим соҳасида, пандемия даврида кечаётган ўзгаришлар талабаларнинг ижтимоий оламга киришини таъминлашга қаратилган глобал масалаларга мос келади. Бу борада Тошкент Тиббиёт Академиясида ҳам 2020/2021 ўқув йили учун масофавий таълимни йўлга кўйиш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ковид инфекцияси туфайли эълон қилинган карантин пайтида бизнинг кафедра профессор - ўқитувчиларида ҳам талабаларга масофавий тарзда дарс

ўтиш тажрибаси йўқ эди. Шу туфайли №1- сонли умумий ва болалар хирургияси жамоаси, кафедра мудири, профессор Охунов А.О. бошчилигига, талабаларни масофавий ўқитиш жараёнида максимал даражада маълумотлар билан таъминлаш учун турли хил контентлардан фойдаландик. Дарс ўтиш жараёни асносида кафедра жамоаси дуч келган масофавий ўқитишнинг камчиликлари ва муаммолари ҳакидаги фикримиз билан бўлишмокчимиз.

Даставвал масофавий дарс қандай ташкил этилганига тўхталиб ўтмоқчимиз. Ҳар бир гурух учун алоҳида саҳифа очилган бўлиб, унда электрон дарслик, видео ва аудиомаърузалар, амалий қўникмалар учун видеокўрсатмалар жойлаштирилди. Гуруҳдаги ҳар бир талаба учун исмишарифи ёзилган алоҳида саҳифа олдиндан очиб қўйилади. Талабалар ҳар дарсда, дарслик ва видео ва аудиомаъруза билан танишиб бўлганларидан сўнг, уларнинг билим даражасини аниқлаш мақсадида кириш тести топширадилар ва ушбу тест баҳоланмайди. Сўнгра ҳар бир талаба ўзи учун алоҳида тузилган вазиятли масала - тестга жавоб ёзади (умумий баҳонинг 50 % ташкил этади). Шундан сўнг индивидуал амалий қўникмага жавоб езади (30%). Фақат уларга жавоб ёзганидан кейингина чиқиш тести очилиб, жавоб ёза олади (20%). 8-та дарс давомида ўртacha 55%-дан (2,75) кўп балл тўплай олган талабагина оралиқ назорат тестини топширишга кира олади. Буларнинг барчаси Moodle платформасининг программаси орқали назорат қилиб, бошқарилади.

Zoom-да ҳар дарсда 1 соатдан талабалар билан бевосита мулоқат қилиб, уларнинг саволларига жавоб бердик, экспресс сўров ўтказдик ва мавзунинг тушунарсиз жойларини изоҳлаб бердик. Профессор А.О. Охуновнинг тавсияси билан масофавий дарс бериш яна ҳам такомиллаштирилиб, Zoom-даги машғулот тўлиқ ёзиб олиниб, YouTub-га қўйилди. Бирор сабаб билан дарсга ўз вақтида қатнаша олмаган талаба YouTub-га кириб, Zoom-даги дарс билан тўлиқ танишиб чиқиш имкониятига эга бўлди.

Таклиф этилган ўқитиш услубининг афзалликлари шундан иборатки, бунда ҳар бир талаба индивидуал тарзда шуғулланиб, улар ўртасидаги ўзаро бевосита контакtlар истисно этилади. Талабалар, қаерда бўлишидан қатъий назар, барча билан бир хилда информация олиш имкониятига эга бўлади. Яна бир афзаллик томонидан бири, талаба дарс мавзусига бағишланган материаллар билан имкони бўлган вақтда танишиб чиқа олади.

Таклиф этилаётган услубнинг камчиликлари, талабаларнинг яшаш жойидаги узлуксиз интернет хизматининг йўқлиги, электр тармоқларидағи узилишларни айтиб ўтиш лозим. Талабаларнинг дарс мавзуси билан танишиб, бир вақтда жавоб ёзмаслиги, бу эса ўқитувчининг қайта-қайта программага кириб, назорат қилиб бориши зарурлигидир. Талабаларнинг ўзаро мулоқат қилиб, жавобларни деярли бир хил ёзишини ҳам камчилик сифатида баҳолаш мумкин. Moodle программасининг камчиликларидан бири, дарсларда олинган баҳоларни ўртачасига асосланиб, оралиқ назоратга рухсат берилшидир. Бу эса, ўз навбатида талабанинг бир нечта дарслардан юқори баҳолар олиб, баъзи дарсларга кирмаса ҳам оралиқ назоратга рухсат берилшига олиб келади. Булардан ташқари, энг асосий камчилиги талабанинг бемор ва ўқитувчи билан бевосита мулоқотининг йўқлигидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Moodle программаси, карантин пайтида, масофавий дарс ўтишда ўзини оқлади ва одатдагича дарс ўтишга имкон бўлмаган пайтда ўқитишнинг танланган усули бўлиб хизмат қилиши мумкин.